



Жўра ака Толипов ва Ўлмасхон опанинг файзли хонадони Сирғали туманидаги Маданият маҳалласида энг ибратли оилалардан саналади. Ўзбекистонимиздаги минглаб оилалар каторида бу даргоҳда ҳам қирқ йилдан буён болаларнинг шодон қийқириғи янграйди, карнай, сурнайли тўйлар бўлади, меҳр-муҳаббат, самимият, ишончу эътиқод ҳукмронлик қилади. Бу хонадонда тўрт ўғил вояга етди — элга қўшилди, бирин-кетин ой келинлар кириб келишди, ширинтойлар ўсиб етилмоқда...

М. МИРСОДИҚОВ олган сурат.

УШБУ СОНДА:

**АКС
САДО**

**МЕН
ЗЕБИГА
ИШОНГАН
ЭДИМ**

**ЯНГИ
КЎЙЛАК
ТОР
КЕЛДИ**

**СИНГАН
КЎНГИЛ
ИЗҲОРИ**

**АЖАЛ
ХИЁБОНИ**

— Хотин-қизлар нашрининг асосий йўналиши, мазмун-моҳияти нимадан иборат, деб биласиз? Сизнингча, аёл газетаси ўқишга вақт топадими?

Истиклол шарофати туйғайди барча жабҳаларда бўлганидек, матбуотда ҳам муйайян эркинликларга йўл очилди. Хилма-хил йўналиш ва мавзудаги нашрлар тобора кўпайиб бормоқда. Ҳамма гап илм-маърифатга ташна халқимизнинг ўз овози, ўз минбарига эга бўлишида. Аёл мавқеи, унинг ички-бўтиний олами, ижтимоий ҳаётдаги яшаш тарзини ифодаловчи нашрларга зарурат туғилди, чоғи.

Вилоятимиз хотин-қизларининг «Қизбиби» нашри мазмун-мундари жаси жиҳатидан аёл маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилишдан иборат. Шу туйғайди олийк нашримиз саҳифаларидан ўзбек миллатининг қадр-қимматини белгиллаб берган, жаҳон маданияти даражасида улуғланган қадриятларга тамал тошини қўйиб кетган буюк ота-боболаримиз, оқила молларимиз тарихи кенг ўрин тутди.

Келинги, Ҳазрат Пайгамбаримизнинг қизлари Биби Фотима Зухродан бошлаб, Суфий аёллар Рубия Адавия, Нафисабеғим, валийиҳи рутбасига эришган боболаримиздан Хожай Шох Насибанднинг оналар

БОШИНГ ТОШДАН БЎЛСИН, МУҲТАРАМА АЁЛ

Бухоро вилоят хотин-қизлар қўмитасининг «Қизбиби» газетаси бош муҳаррири Муҳиба Ҳамидова билан мулоқот

ри Биби Орифа, ҳолалари Валии Қомилахон (Биби Сешанба, Валии Мусалламхон (Биби Мушкулқушод, Чоршанба онамиз), Биби Хур, Биби Нур, афиша аёллар — табаррук Қизбибилар. Қирққиз (Чилдудхот)лар ҳақида билмаслик гуноҳ менимча. Ахир булар бизнинг момоларимиз, қиммат инсонлар бўлганидан далолатку. Бу эркин сиймолар қадим Шарқ маънавиятининг порлоқ юлдузларидир.

Миллийликка, ўзликка интилишда бу муборак зотлар ҳаёти, турмуш тарзи — бизга адабий маек, ибрат мактаби. Миллий мафкура деганда мен ўша мазмун сабоқларига мурожаат этиб иш қўришни назарда тутаман. Уйлаиманки, бугунги давр кишиси — биз, найки аёл, ҳаммамиз маънавий-маърифий илмларга муҳтож, руҳиятимиз ташна. Бундай мавзудаги нашрни қим қўймайди, дейсиз.

— Бугунги аёлнинг маънавияти дедингиз, фикрингизга қўйиламан. Муаммолар-чи, булар ҳақда ёзиш

керакми?

— Аёлда муаммо, ҳал бўлмас чигаллик қай пайтда туғилади, деб савол бераман гоҳида ўз-ўзимга. Аксарият ҳолларда ўз ҳақ-ҳуққини билмаслигида, деган хулосага келаман кейин. Аёл — энг аввало она, сунг жамиятнинг фаол аъзоси. Фарзанди, оиласи тинч бўлган аёлнинг иши унумли, руҳи енгил бўлади. Оилавий нотинчликлар уни сим-сим кемиради. Қалби гулдай нозик аёлнинг бардоши тошдан. унинг зиммасида юксак масъулият — оила, рўзгор ташвишлари, хуллас, тиним йўқ.

Эр ҳам ўз ташвишу муаммолари ила банд. Бу билан уларни масъулиятдан соқит қилмоқчи эмасман. Аксинча, оила посбони, болағиналарининг меҳрибон онасини, оила қароғбони аёлни ардоқлаши, эътибордан четда қолдирмаслиги керак. Биз-чи, биз аёллар бир-биримизга меҳр-оқибат курсатишимиз, дардаш бўлишимиз керак, деб уйлайман.

Оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни давлатимиз сиёсат даражасига кўтарган экан, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари бу гамхурликларни амалга ошириш билан шуғулланмоқда. Она ва болага гамхурлик борасида бизнинг вилоятда ҳам талай ишлар амалга оширилляпти. Кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногирон фарзандлари бор хонадалар эътиборда турилади. Ички ишлар ва прокуратура ходимлари билан ҳамкорликда «Аёл ва ҳуқуқ» мавзусидаги йиғин ҳақида ўзаро суҳбатлар орқали уларнинг муаммоларини ечишга ҳаракат қилинмоқда. Аёллар наشري бундай муаммолар қай йўсинда ҳал этилишини тарғиб қилиши керак, ҳуқуқий йўл-йўриқ, муносабат билдириши лозим, менимча. Бироқ ўз урнида у шунчаки воқеа-ҳодиса ҳақида хабар берувчи ахборотномага айланиб қолишини истамасдим. Асосий муддао — бугунги шиддаткор давр аёлининг дунёқараши, қизиқишлари, эътиқоди ақс

этиши керак, деб уйлайман.

Шунингдек, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари фаолияти кенг, ранго-ранг. Турли мазмундаги тадбирлар утказиш билан бирга улар энг аввало савоб иш — оилалар мустақамлиги учун қайғуришади. Халқ билан қай топиб, тил топиб ишлаш осонмас. Ислохотлар даврида хотин-қизлар фаолиятида ҳам кескин ўзгаришлар юз бермоқда. Тадбиркорлик, бозор муносабатларига қўниқиб осон кечмаяпти. Хар ким элпаб кетолмаяпти. Ишсизлик аёлларимиз орасидаги муаммолардан бири. Газетамиз саҳифаларида аёлнинг ўрни мавзусидаги мақолалар ҳам ёритилмоқда.

— Режаларингиз?

— Аёллар билан корхонада ва маҳалла-қўйда учрашувлар ўтказиб, уларни қизиқтирган мавзуларни урганаёмиз. Аёл бизга шикоят қилиб келишини қўтиб ўтирмаймиз, балки аёлнинг кўнгилдан хабар олгани унинг ҳузурига узимиз боришни мақсад қилиб олганмиз.

Аёл — қалби дарё инсон. Унинг кўнгил сарҳадлари кенг, турмушнинг оғиру енгиллини бирдй чидам билан утказиш — масъулият унга. Утиш даврида яшаш аёлга янада юксакроқ, залворлироқ масъулият юклямоқда. Бошинг тошдан бўлсин, муҳтарам аёл, дегим келди уларга қарата.

Ўз муҳбиримиз

Яхшилардан сўз очдик

ВАСИЯТГА АМАЛ ҚИЛИБ

Умр ўткнчн, сойдаи шовуллаб оқиб кетганини билмай қоларкансан. Умуман олганда болалик йилларим кўз ўнгимга келгудек бўлса, беихтиёр, чуқур тин оламан.

Орзу умидларим турли баҳоналар сабаб бўлиб, амалга ошмагач, бир умр она қишлоғимга, ҳамнафас яқинларимга боғланиб яшашим кераклигини ҳис қилдим. Уларга яхшилик қилиш, ҳеч бўлмаганда умидбахш гаплар айтиб кўнгилларини кўтаришни дилимга тугиб яшай бошладим. Ҳозирда эса ўзим ҳақимда эмас, балки қишлоқдошларим ҳақида ёзмоқчиман.

Бундан беш йиллар аввал Саломат она деган раҳматли аёл бўларди. Унинг уч фарзандининг ҳам бариси болаликдан ногирон бўлиб, она уларни ҳам ота, ҳам она бўлиб парваришлади.

Табиийки, ҳамма ерда бўлган баъзи иқтисодий қийинчиликлар бу хонадон бекасининг ҳам қисматиға ёзилган эди. Бироқ дунё яхшилар билан гузал деганларидек, қишлоғимиздаги магазинларнинг бирида сотувчилик қилувчи Сиддиқжон Исмоилов деган йигит доим уларнинг иссиқ совуғидан хабар олар, қўлидан келган яхшиликни аямасди.

Она ҳар гал менга: «— Ўзқоқон, менинг шарт-шароитимни билсан, болам. Сиддиқжоннинг бизга қилаётган яхшиликларидан ҳам хабардорсан, жон болам, сенинг кўнгилдан келадди, менинг номимдан шу йигит ҳақида бирор бир газетда мақола чиказсанг, ахир биласан-ку. Сиддиқжон жуда ҳам халқпарвар йигит, шояд сенинг бу хизматинг туйғайди менинг миннатдорчилигим унга бориб етсаю, биздан рози бўлса», — деб қолдилар.

Минг афсус... Опанинг бу илтимосини у кишининг тириклигида уйда қилолмадим. Саломат она оламдан ўтгач уч ногирон фарзандлари чирқираб қолди. Аммо шуқурки, Сиддиқжон бу оилаға яхшилик қилишни, улар ҳолидан хабар олиб туришни қанда қилмади. Кейин билсам Саломат она вафотларидан олдин, Сиддиқжонни ҳаққига дуо қилиб, ўзидан кейин улардан хабар олиб туришни васият қилган эканлар.

Ўзқоқбой ОМОНОВ, Иккинчи гуруҳ ногирони, Ургут тумани



Республикаимизда газета ва журналларга обуна мавсуми қизгин давом этмоқда. Хусусан, «Оила ва жамият» газетасининг мухлислари ҳам тобора ортиб бораёттир. Ана шундай мухлислардан бири Бекобод туманидаги Ойбек номи жамоа ҳўжалигида истиқомат қилувчи Турсун ота Сўннатов рафиқаси, 11 фарзанднинг онаси бўлмиш Роҳат аялар тахририятимизга келишди.

— Бу газета ташкил топгандан буён ўқиймиз. Хар йили обуна бўламиз. Келгуси йилларда ҳам унинг доимий ўқувчиси бўлиб қолиш ниятидамиз, — дейди Турсун ота Сўннатов.

ЭШТИДОНТИЗМИ?

Кейинги пайтларда нафосат ва гузаллик рамзи бўлган баъзи аёллар бозор, савдо-сотик ва турли «бизнес» ишларга фаол аралашмоқдалар. Афсуски, улар иштирокидаги қонунбузарлик ҳолатларининг кўпайиб бораётганлиги ачинарли ҳолдир. Мумай даромад илнхжида «аср вабоси» деб таърифланувчи гиёҳванд моддаларни сотиш, тарқатиш билан шуғулланувчи аёллар қилмишини ҳар қандай сабаб билан-да, оқлаш мушкул.

Яқинда Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг 8-маскани ва нақлиёд ички ишлар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда «Тошкент-Волгоград» поезди текширилганда йўловчи Н. Кривенко-нинг сумкасида 1,5 килограммга яқин гиёҳванд модда топилди. 1966 йилда Төрмиз шаҳрида туғилган бу аёлни қонун олдида жавоб бериши турган гап.

НАВОЙИ. Абдуқайюм Ҳамробоев Ҳўжанд туманининг Каттакўз қишлоғини, миллиати тожик, айни пайтда ҳеч қаерда ишламайдн. Лекин бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак. Колаверса, оила боши эмасми, рўзгор тебратиш ҳам унинг зиммасида. Шундай бўлгандан кейин пул топиш мақсадида жиноий ишга қўл уришдан-да ўзини тиймади бояқиш. 100 АҚШ доллар эвазига 1100 грамм гиёҳванд моддани Бухороға олиб боришга рози бўлди.

Навоий божхона ходимлари унинг қийимлари орасига яширилган ва полизтилен халталарига со-

линган заҳарли оғуни манзилга етказишмади.

Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, Бухоро вилоят нақлиёт ички ишлар бўлими томонидан тергов ҳаракатлари олиб

ўйлаганга ўхшайди. Бўлмасам бундай қалтис ишга қўл урмасди. У бир миллион сўмлик, 15 тонна шакарни айланма йўл орқали республикаимиздан ташқарига олиб чиқиб ке-

бозори чаққон. Хатто жаҳон бозориди ҳам харидор қўп. Шу боис ундан бизнес қилишга ишқибозлар ҳамма жойда топилади. Қўзғистонлик О. Бойзақова 30 бош қўй ва 30 бош эчки терисини эсон-омон манзил-

«оғидан осншса» ажаб эмас.

Баъзан бир килограмм сарвғ харид қилишни ҳамёнимиз кўтарайми. Лекин, ҳамюртларимиз орасида бу ноёб озик-овқат маҳсулотини тонна-лаб оладиган бели бақувват бойваччалар ҳам бор экан. Г. Тошматов 11.800 тонна сарвғни республикаимиздан ташқарига олиб ўтишга бел боғлаган эди. Энди унга 4 миллион 150 минг сўмлик сарвғдан бир умрлик учмас доғ қолди.

Комил ТОШ,
Мухтор БЕК.

ҚАРМОҚҚА ИЛИНИШДИ

борилмоқда.

ТОШКЕНТ. Чамаси ҳамюртимиз Ботир Маманов яқинлаб қўни барча қатори «Ўзбекистон» чегара божхона пости ходимлари ҳам дам олишса керак, деб

тишга уринганди. Энди чучварани хом санаган бу ҳамюртимизнинг ушбу ҳолати бўйича суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

ҚОРАҚЎЛ териси — қимматбаҳо хомашё. Унинг

га етказиб борганда ўзи уйлагандек бой-бадавлат бўлиб кетармиди. Бироқ, сергак божхоначиларнинг хатти-ҳаракатлари туйғайди унинг ширин орзуси аламли армонга айланди-қолди. Энди қўйни еки эчкини эмас, балки унинг ўзининг

Тошкентнинг «Катта Қозиробод» маҳалласи, Рудавий кучасидаги 9-ҳовли. Мен бу хонадонга кунда бўлмаса-да, кунора кириб тураман. Яна эрта билан ёки оқшом палла — ҳар хонадонда айни иш қайнаган чоғда. Бир оила истиқомат қилиши учун мулкхалланган «чуштак» деб атаганимиз худудда уч угилу, уч келин туққиз нафар жужуқлари билан ва яна чолу кампир истиқомат қилишади. Угиллар ишга чоғланган, болакайлар боғчага отланаётган айни чоқда чоғдайгина ҳовли нақ қозондаги сумалакдек қайнайди. Эрта азондан оқчиб куйилган эшикдан, айни шу маҳал, бирин-кетин кўшнлар ҳам кириб кела бошлайди. Бировга сут керак, бировга қатиқ дегандай. Мана мен ҳам уч яшар набирам Жамшиддонни етаклаганимча: «Сенга сут берадигар сигир дегани қанақа бўлишини таниб ол — каттароқ бўлсанг, сутга узинг чиқасан», — дедиму кўшиминикига чикдим.

Бу хонадонда ҳамманинг вазифаси аниқ. Келинлар тонг тадориги билан: ҳовли ва куча эшик атрофини сариштаб, хонадон соҳибларини ишга жўнатиш — нонушта ҳозирлаш билан овора, болаларнинг каттароқлари ювиниб-тараниб, укаларининг ҳам юзини ювишиб, оқ кўйлак оппоқ дуппиди айвондан оёғини осилтиргача, икки қўлини икки ёнига тираб болалар тупалонини мулойимгина кузатиб утирган Шуккур ота ҳузурига йўналишадигу, рупараларига қатор тизилишиб, қўлларини кўксиларига қўйиб салом беришади:

— **Ассалому алайкум, буважон!** — дея ба-робар чўғурлашади-да, югюра келиб, отахоннинг бўйнига осилишади.

— Хой секинроқ, секинроқ, бувангларни йикитворманглар тагин-а, полвонларим, — жовулайди ичкари уйдан чиқиб келган Муяссар она.

Ҳар тонг тақорор ва тақорор давом этгани бу хол. Фақат йиллар утгани сабин унинг ичрочилари янгилашади: кичиклар катта бўлиб учирма бўладилар, янги набиралар дунёга куз очади...

— **Ойлангиз катта, қийналимаяпсизларми?** — деган саволинига Муяссар она: «**Боланинг кўли яхши экан. Сира толиқтиришмайди — бири ёғ келтирса, бири гуруч дегандай... Эшикдан буш кириб келишмайди...** Бизга етар бахти бекам топиламас... — дея жавоб қилади.

Ана шундай камсуқум одамлар истиқомат қилади менинг маҳалламда. Бу орада кенжа келин Ҳафиза-хон янгигина соғилган, сигир танаси ҳарорати ҳали кетмаган сутни келтириб мулойимгина узатади, сут ҳақи учун берган пулимини олиб 5 сум қайтаради.

— **Вой, нега ундай қилаяпсиз, Ҳафизахон?**

ШУККУРОНА



Сутчилардан шу нархда оламиз-ку... — Бизга шундай ўргатадилар отамлар. «Кўздек қўшни-я, болам, ҳудуд баракасини берсин. Беш сум ортиқ олиб, бойиб кетмайсан — ахир қўшни ҳақи бор-а, — дейдилар отамлар...

Шуккур ота эллик йил бадалди колхозда ишладилар, неча идораларда боғбонлик қилдилар — ҳалол ризқ тердилар. Ҳалоллик билан топанларига шуккур қилдилар... ҳар қандай шароитда беш вақт намозларини қанда қилмайдилар.

Эллака чиққанинг эллик оғиз сўзи бор, деганларидек, мен ҳам бир банка сутга қичиб хў-у, қанча гапларни билиб олдим, десангиз... Шуккур ота билан Муяссар она узларидан қўнайишга, саккиз угилу турт киз — ун икки фарзанд қуришган экан дег. ун икки фарзанддан эса 51 набира, ун чевара

Ибратли оила

қуришибди.

— Тўғмоқ бор — турмоқ йўқ, деганлари шу экан-да, а? — деб қўяман Муяссар онага. — Туққиз фарзандингиз учирма бўлиб, уй-жой қилиб кетишган экан-да, а...

— **Ота-буваларимиз хубам доно утишган, топиб-топиб айтиб кетишган экан: «Уруғим тошлоққа ёйилган» деб. Тошкентнинг ҳар даҳасида бор аймоғим деса хато бўлмас. Ишқилиб доғини кўрсатмасин Худойим...**

Шуккур ота Соатов билан рафиқалари айвон четиди набиралари билан андармон: бирини бағрига босиб эркалар, бошқасини алқар, боғчада урганиб келган қўшгинини айтиб беришини сурар, мен эса уларни кўзатарканман уртаҳолгина бу оиланинг бахтидан энтикардим. Шуккур отанинг оналари Умрихонани, Соип, Тоҳир, Зокир акалари, урушда ҳалок бўлган инилари Қобулдонни эслаб кетаман. Совет замонасида эл-юрт бошига тушган яхши-ёмон кўнларнинг ҳаммаси бу оилани четлаб ўтмаганини, оғир, қора кўнлардан кейин ёруғ кўнларга етган лиғимиз ҳақида фикр юртаман.

Шуккур отанинг саксон ёшга тулганлари билан қўлтарканман Аллоҳдан нимани тиллашларини сўрадим:

— Шуккур, соғлиғим яхши... Аллоҳдан тилагим — юрт тинчлиги, осийишталлиги, мустақиллигимизга раҳна тушмасин — абадийга бўлсин!...

— Фарзандларингизга, неварачевараларингизга нимани маслаҳат кўрасиз?

— Ичмасинлар, чекмасинлар, қовоқ солиб юрмасинлар, жаҳл қилмасинлар. Қулибгина юрсинлар. Фарзандларимгагина эмас, бутун эл-элат болаларига тилагим шу.

Уйлаб кўрсам бу, Шуккур отанинг ўз турмуш тарзлари: ичманглар, чекманглар, ҳеч кимга қаттиқ-қуруқ гапирманглар, ҳаёт паст-баландидан нолиманглар. Умр ўзқўлқиннинг асл манбаи шу бўлса ажабмас.

Холида АХРОРОВА

Бизга жавоб йўллайдилар

Газетанинг шу йил 36-сонига босилган «Туянинг думи ерга тегмайди» сарлавҳали мақолага жавоб хати келди. Янгиер шаҳар суди раиси З. Давронов имзо-си билан юборилган ушбу хат бироз тахир қилинган ҳолда чоп этилмоқда.

«Мақолада арзи ҳол қилган Г. Холдорова биринчи эри У. Шодмонкулов билан қонуний ажрашмади», — дейиладиган жавоб хатида. — Айни пайтда бирга яшаётган М. Улуғмуродов билан ҳам қонуний никоҳдан утмаган бу аёл. 1996 йил 29 октябрдан буён битта фарзанди учун жавобгар У. Шодмонкуловдан оиллик даромадининг 25 фоизи миқдорда нафақа олиб турган. Бунинг тасдиқловчи ҳужжатлар ва даъвогарнинг ўз қўли билан ёзган тилхати бор. Улар хатда илова сифатида келтирилган. Нафақа пули жавобгарнинг иш жойидан даъвогар Г. Холдорова номига, у яшаётган манзилгоҳ — Сирдарё вилояти, Бахт шаҳри, Акбаров кўчаси, 5-уйга 1997 йилгача узлуқсиз юбориб турилган. Кейин тўхтаб қолганининг сабабини эса қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Нафақа олувчи Г. Холдорова 1987 йил 19 сентябрда турмуш ўртоғи У. Шодмонкулов ишлайдиган корхонага боради. У узининг фамилияси ва яшаш жойи узгариши муно-

ҲАММА АЙБ ЎЗИДА

сабати билан нафақа пулини вақтинчалик ижро ҳужжатида қўрсатилган манзилга юбормасликини, аксинча, корхонада сақлаб туришлигини илтимос қилади. Кейин ўзи келиб олишини айтиб ёзма ариза ҳам беради. Шунга кура нафақа пули жавобгарнинг иш жойида тўлиқ ушлаб турилади. Бугунги кунда даъвогар тўпналиб қолган 12 539 сум нафақа пулини олди.

Мақолада жавобгар билан суд идораси ҳодимларига айб тиркалган. Бу нотўғри. Аслида ҳамма айб даъвогар шахсининг ўзида. Чунки у судга бирор марта мурожаат қилмаган, узининг яшаш жойи ва фамилияси узгариши ҳақидаги хабарни ёзма ёки оғзаки равишда айтмаган. Шунингдек, жавобгар шахс ишлайдиган корхона маъмурияти ҳам бундан беҳабар бўлган. Даъвогарнинг нафақа пулини ўзи келиб олиши тўғрисидаги ижро ҳужжатида тиркаб қўйилган тушунтириш хати ва ёзма аризаси бунди тасдиқлаб турибди. Шулларга кура мақолада билдирилган шикоят ва мулоҳазаларда ҳеч қандай асос йўқ, дейиш мумкин».

Мухтарам суд! Сизнинг ҳозиржавоб хатингиздан қониқиб ҳосил қилдик. Ҳар ҳолда чўмчўқ сўйса ҳам қассоб сўйсин экан. Мақолада қайд этилган муаммони ҳар томонлама ўрганибсиз, асосли талкин этибсиз. Энг муҳими адолатни тиклабсиз. Бунинг учун катта раҳмат Сизга. Шу билан бирга муаммони ҳал қилишда газета саҳифасида чоп этилган мақолага туртки бўлганини ҳам эътироф этиш уринишдир.

К. Тошмирзаев

«ЧЕЛАК»ДА ШУНДАЙ МОМО БОР

Ўзбек феъли

Бу аёлнинг эри урушдан қайтмади. Тўрт болани бир ўзи тишида тишлаб катта қилди. Бировларга хор э-тирмади. Ақлли-хушли, меҳнатқаш бўлиб улғайишди фарзандлари. Эл-юрт орасида момонинг ҳам обрўси ошгандан ошди.

Эндиликда Улмас момо қишлоқнинг энг доно қайвониларидан бири. Узи хўп серғайрат, гапга чечан, ишбилармон. Ҳар бир гапига мақолу матал қушиб гапирверади. Бордию бирор киши «Мақолга бунчама устасиз, момо» деса борми, дарҳол «Йигитнинг кўрки соқол, гапнинг кўрки мақол-да, айла-н», дея жавоб қилади. «Улмас момонинг ажаб феъллари бор-да!» дейишди қишлоқликлар.

Бусагаси кир-чир ҳовлига кириб келган момо, ичкарига йўл олаётиб ўз-ўзларига сўзланади: — Қадимгилар «Қарили уй фариштали, қизли уй сариштали», дегу-чи эди. Бу уйда қиз зоти бормикин узи?!

Бунинг эшитган бўйқизлар усма идишини бир четга қўйиб, дарҳол қўлига сўпур-ги тутишади.

Момо бир уй ёнидан утаётсаки, аёл дорга гилам ёйиб, чангини қоқайтир. Э-р-каги офтобруда юзига газет елиб мизгиб ётибди. «Хой, тентак турини бермас экан-да! Юлқа газетдан офтоб утади, болам. Келиннинг чорси румолини бетингга елиб ётсанг!» дейдилар кесатиб Э-р-кач уриндан диқ этиб ту-ради, момога салом бериб, уни қўрпагача тақлиф қи-лади. Сўнг ўзи гилам қоқайтган аёлга қараша кетади. Момо-га эшиттириб: «Ердмлашинг

демайсанми, мен шу ердман-ку!» деб қўяди...

Улмас момонинг уйи мол-бозорга яқин эмасми, кўпчилик бозорнинг бериси қуни шу ки-шиникига танда қўяди. Айниқса, Боймирза дегани борки, «холо-холо»лаб ҳар бозор келаверади. Бир гал э-чиларини сотишга олиб келса, бир гал қўша-қўша ҳуқизларни етаклаб келади. Бир йили қишда Боймирза яна момони-кага серқатнов бўлиб қолди. Икки эчки, бир сигирни момо-нинг оғилхонасига боғлаб, ўзи меҳмонхонанинг тўрига ёнбошлади. Момо қулни «ку-қу»лаб бостирмага ош пиширмоққа тутинди. Бунинг кўриб утирган Боймирза уй-турида бемалол ётаверди. «Ҳап, саними, шошмагин», деди момо оғириниб. Шу кунини момо меҳмонга жой солиб берди. Ичкаридан хўрақ эши-тилган, уй деразаси сиртига эски наमतни чиқариб миҳ би-лан қокди. Уй ичи змистон бўлди. Бир пайт Боймирза уйғониб қарасаки, ҳали тонг отмаган. Яна ётаверди. Икки-уч уйғонди, шу ҳол. «Йе, бу-гун тонг отиши бунчама қийин бўлди, ёки овқатни кўп едим, ухломмай қолдимми», деди ў-зига ва деразадан ҳовлига муралади. Қараса, қўш тепа-да, кун ёғилиб кетган, момо ҳеч нарса бўлмагандай ўз ўмушлари билан банд.

— Хола, ҳов хола! Нега уйғотмадингиз, бозордан кеч қолибман-ку!

— Қиш ўчоғи тор, тур уй-ингга бор, деганлар. Холанг қачонгача ёзи билан ут уриб, сенинг келди-кетти молларинг-га емиш қамлайди! Бўлди, хо-ланг ҳам чарчади, болам.

Улмас ҳоланинг бу гапидан Боймирза уялди. «Шу вақтга

довур шу нарсани уйламай, момога жабр қилибман-да» деди ва тезгина молу ҳо-лини етаклаб уйига жўнаб қолди.

Бир кунини қишлоқ аёлларидан бири эридан аразлаб қушни қишлоқдаги углиниқига кетиб қолди. Момо қарасаки, шунча йил-лик турмуш бўзилиб, оила тўзиб кетадиган. Эр-хотинни яраштиришга шошилди. «Аразлаган» аёл момога деди: — Мана, углим топиб келиб, келиним пишириб берайтор. Энди уйга қайтиб бормоқчимасман!

— Хей, ношуккур, — деди момо у аёлга. — Шунча йиллик одам энди сенга ке-рак бўлмай қолдими? Қари-ганда бир-бирига тиргак бўлиб яшаш керак эр хо-тин. Углингниқиди ҳозирча меҳмонсан, икки-уч кун утиб меҳмоннинг ойи бита-ди. Қолаверса, қадимдан қолган гап бор: «Углим топ-ганини уйлаб-уйлаб ейман, эрим топганини уйнаб-уйнаб ейман», деганлар. Янаям, танангга бир уйлаб кун!

Момо қичиб кетгач, аёл бир зум уйлаб хаёлга тола-ди, сўнг бугчаларини йигитиришга тутинди.

Ҳа, Улмас момо шунақа. Гапга мақол қушиб, битма-ган ишни битиради, пишма-ган ошни пиширади. Бу та-барруқ онахон бутун қишлоқнинг онахони, кузга суриб «Донишманд момо» деса, дегулик табарруқ мо-мосидир Шундай моомлар ҳаммаша бор бўлсин, узок-узок яшаб, элга бошу қўш бўлсин, деймиш.

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА,
Челак туманидаги Хужа Исмоил қишлоғи

«Бу мактубни ўқиб қуйидаги ривоят эсимга тушди...

...Қадим замонда бир подшоҳнинг дунёда тенги йўқ бир париваш хо-

«TOFY»

тини бўлган экан. Хотини ниҳоятда ақли, доно бўлиб, беш маҳал номозини қанда қилмас, эл назарида ҳурмати буюк экан. Бир куни аллақандай сафардан қайтаётган қўшни мам-лакат подшоҳи уларнинг сароятга ташриф буюрибди. Бу меҳмон-навозлик айниқса маликанинг ҳусни жамоли меҳмонни лол қолдирибди. Бир-икки кундан сунг уз юртига отланиб кетаётди, бир канизакнинг қўлига катта пул берибди ва маликага шахсан битилган мактубни ҳамда бир дона ёқут қўзи тилла узукни етказишни тайинлабди. Малика узукни олибди ва хатни очиб ўқибди.

Ой малика ҳуснига тўймайин девонаман Шохману Мажнун каби ишқ саҳросида ёнаман.

Маликани шайтон йулдан урибди. Мактубни сунгига қадар ўқигач ниҳоятда таъсирланибди. Ахир эри билан шунча йил турмуш қуришган бўлса сийму-зар ичидан яшаб, ақалли бир дона юрагига ут солгувчи мана бундай ақлни олгувчи эҳтиросли сузларни эшитмабди. Бармоғига ёқут қўзи узукни таққанида эса, эри ҳада қилган барча қимматбахо узуклар қўзига қуринмабди. Малика узиға ошқу бекорор султонга жавоб номасини йўллашга ҳазм этибди ва бир байт битибди.

Қурмадим бу сийму-зар ичидан рушонилик нетай. Мен ғариб сенинг муҳаббат шоминга пар вонаман.

Малика махсус чопар билан хатни юборибди. Дарҳол жавоб ҳам келибди:

Рушино эддинг сўнар бу севаги шамми сўз билан

«ИККИ ЎТ ОРАСИДА ҚОЛДИМ»

Энди фақат сен учун бағримни доғлаб ёнаман.

Малика хурсандликдан қалби нозик ҳисларга тўлибди, уз эридан бундайин марҳаматни

ТОШ

қурмагани учун йиғлаб юборибди. Иккинчи олмос қўзи узук ҳам бармоққа силлиққина тақилибди. Жавоб жунатилибди.

Бир осмон бағрида нечук икки офтоб нурлари Нетайин мен суймаган

офтобга ой жононаман. Мактубни олган махсус чопарни подшоҳ эр тутиб

ЛЕКИН

олибди. Ундан шубҳаланиб қўлидаги сургичланган хатни олиб ўқибди ва оҳ урибди. Севикли тан махрами унга хиёнат қилгани подшоҳнинг қалбини поралабди. «Нечук-нечук», — дермиш, — уни жонимдан ортиқ севардим-ку, айбим сўзга нуноқлигим-ми?». У бир режа тузибди. Чопарга бир мактуб ва бир дона олмос қўзи биланузук тутқазиб, маликага «Қўшни мамлакат подшоҳининг номидан берасан», — дебди. Малика чопарни интизорлик билан кутарди, кўрганга замон унга пешвоз чиқибди. Шоша-пиша хатни очибди. Унда қуйидаги байт битилганди:

Курмасам ҳилол жамолинг, кўксинга минг бор азоб

Офтоб улдум-ку, аммо

Зухро каби пушмонаман.

Яна бир курсам етарди

иффату малохатинг

Йўкса Зухро ҳам эмасман

бир шўри пешонаман.

Малика қўлига билан узукни тақиб, висол айёмини ўйлаб эҳтирос алангасида ёнди. У подшоҳ-эри олдиға кириб ҳаж сафарига бораман, деб изн суради. Маликанинг алдаётганини билса-да, подшоҳ деди: «Қадри маликам, ҳозир бунинг вақти эмас. Сал давлат

ишларидан фориғ бўлай бирга борамиз муבורак юртга». Малика: Хўқоним ҳажнинг эрта кечи йўқ. Сиз мендан хавотир олманг, менга қўқирқчининг ҳам кераги йўқ».

Подшоҳ унинг кўнглини қайтаролмаслигини билди-

КЕЗГҮМ

да, ниҳоятда дарғазаб бўлиб деди: «Маликам, майли, сиз истаганча бўлсин. Сизга ишонаман, аммо ишонч йўқолса оила дарз кетади ва унинг дарз кетган жойини ҳеч қандай малҳам билан тузатиб бўлмас. Сизни севаман,

ЙЎЛИМ

лекин шуни «ёдда тутингки, бир осмонда икки қуёш порламагани каби, бир фалакда икки ҳилолнинг бири ҳам ортиқчадир».

Малика унга ялт этиб қарабди, аммо ундан шубҳаланмабди. Унинг фикри-охирига ҳозирнинг узида борса, севгилини кучок очиб қўтиб олади ва шунда эри билан орани очик қилади.

Малика йўлга чиқди. Қўшни мамлакатга етиб борган, юрт подшоҳига одам йўллади. Подшоҳнинг қирқ хотини ва 30 дан ортиқ хос канизига бўлиб ҳаммаси бир-биридан чиройли, парирохсор экан. Эри айнинг мамлакатига ташриф буюриши уни ғазаблантирибди. Ҳа, қим ҳам ёзмайди ишқий байтлар, қимлар совға-салом йўлламайди? Аммо ҳамма лаззат уз урнида ширин. Тўғри, у қўшни юртнинг гузал маликасига ошқ эди, ҳаттоки қўшин тортиб, юрт подшосини ўлди-

риб маликага уйланмоқчи ҳам бўлиб турганди. Аммо бу не беҳаёликки, аёл уз оёғи билан келса, шармсизлик билан висолга руҳсат сўраса... Подшоҳ чопарни ҳайдаб солди ва маликага дарвозани очтирмади. Бечора малика чопардан подшоҳнинг қирқ хотини ва уттиз канизак таърифни эшитган, алданганини ҳис этди, дод солиб йиғлади. Эри қўзига дунёдаги энг азиз инсон бўлиб қуринди ва орқага — унинг ҳузурига

КЕЛУР.

қайтмоқчи бўлди, аммо уз юртининг эшиклари ҳам маликага очилмади. Деворга эса катта-катта ҳарфлар билан қуйидаги сузлар битилганди:

Бир шўри пешонанинг ҳам ишқ ўтидан бенасиб

ТЎСГАЙ

Курсамо холи харобинг шўх эмас девонаман. Нетайин номус ўтида ён—

свнг-а маҳшар қадар

Энди мен офтоб эмас, қон

йиғлаган осмонаман.

Буни ўқигач, малика, эри олдидаги гуноҳини ҳеч қачон ювоилмаслигини билди. Бемакон қолган аёл, канизлари ва одамларига жавоб берди-да, ўзи телба бўлиб қолди. Умри охирига қадар эри ёзиб юборган байтни ўқиб, фигон чекиб ўтди, дарвоза эса ҳеч қачон очилмади.

Бу бир ривоят, аммо ҳар бир ривоят ҳам ҳақиқат ойнаси. Малика зебу-зийнат, олтин-олмос, дуругавҳар ичиде ҳақиқий давлати-вафодор, садоқатли эри эканлигини жуда кеч англади. Лов этиб ёниб-сунгучи эҳтирос алангасининг абадий азобидан қўра, қўрада пок асралган, ошқора айтилмаган муҳаббатнинг учқуни гузалди.

Мактуб эгаси, Сизнинг изтироб билан ёзган кеч-ниҳониз, тавба-ю та-зарурларингизни ўқиган

одам бефарқ қолмайди. Ишонинг, агар йўқликдан, етишмовчиликдан шу йўлга қирган бўлсангиз, бир бечора аёл сифатида сизни тушуниб, тасалли беришармиди. Агар ҳамма нарсангиз етарли бўлиб-у, эрингиз вафодор бўлмаса, ёхуд сизни севамаса ва сиз охири адашган кучаларга қирганингизда, эрингизни лаънатлашарди. Аммо сизнинг бу ачинарли аҳвол-ингизда на сизга ачинаш ҳисси, на эрингизга нафрат туйғуси уйғонади қалбимда. Агар 25 йилдан бери борига қаноат қилиб, фарзандларига ҳам фақат ҳалол йўлни кўрсатиб, шарму-ҳаёда беназир онажоним бу мақолани ўқиганларида борми, аминман-ки «ортиқча бойлик ҳам инсонни кўр қилади», деган бўлармидилар. Зеро тўқлика шўхлик, Аллоҳ олдидаги энг кечирилмас гуноҳлардан биридир.

Азиз замондош, мен

ХАЁ...

оддий бир ўзбек қизи, яъни бир қизингиз ўрнида сизга ёзган ушбу мактубимда, тасаллидан қўра дашном кўпроқдир, аммо ишонаманки, минглаб сизга ухшаган аёллар ичиде мингдан бирининг тавба-тазарру қилиб, ботиний маслаҳат сураши ҳам юрагимга бир умид бағишлади. Зеро, ўзингиз таъкидлагандек, шу йўлга энди қира бошлаган қизу-жу-волларга бир тарбиянома бўлсин. Хассос шоиримиз Зебунисонинг қуйида битилган икки қатор байти мудом юрагингизда бўлсин.

Лайли зотидин эрсам-да,

Дилда Мажнунга ҳаво,

Тоғу тош кезгум келур.

Лекин, йўлим тўсгай ҳаё.

Муавзам ИБРОҲИМОВА,

Тошми талабаси.

Авваламбор беайб Эгамнинг ўзи Биз инсонлар бу ҳаётда озми-кўпми хатоликларга йўл қўлиб турамин. Гапириш осон, маслаҳат бериш, донолик қилишдан қийини йўқ.

Азизлар! Эраклик тошини менимча кутариб юришдан қийин иш бўлмаса керак. Пул толса, қўша-қўша уй солиб, машина олса, катта амалга ўтириб айтгани-айтган бўлиб, ошиғи олчи тураверса, у эрак бўлиб қолмайди. У қачонки, узгалар дарди билан яшаса, узгалар ҳаётига раҳна солмай, бировга қўпроқ фойдаси тегиб, беминнат ҳалол яшаса — шунда эрак саналур.

Мен «Нафрат» мақоласидаги шахсий манфаати йўлида узгалар уй-

ида яшаб охир-оқибатда бир кераксиз нарсга айланиб қолган эрак ҳол-аҳволидан огоҳ бўлиб қаттиқ ҳаяжонландим. Ахир бу қандай иш? Эрак танбал бўлса, бориға шўкур

қилиб бефарқ яшаса...

Тўғри. Баъзи эраклар мактанашади — у қўлдим, бу қўлдим деб. Бундай ҳоллар қўпроқ бойбўчулар томонидан содир этилиши сир эмас. Аммо бу нахс ишлар охи-роқибатда узлари тарбия қилаётган фарзандлари бошида синса нима бўлади? Биз эраклар бир иш қилаётганда бу томонини албатта ўйлаши-

миз керак. Ўзини жиловлаб олмаган эрак эракми?

Жамилахон Эргашева жуда катта, жамият учун соя бўлиб, қора доғ бўлиб қолиши мумкин бўлган муаммони ўртага ташлабдилар. Бу ишларни ҳаммамиз чин дилдан ҳис қилмас эканмиз, узимизни-узимиз пок-ламас эканмиз, бу йўлар — нотўғри йўл эканлигини чин маънода бутун вужудимиз би-

лан ҳис қилиб тўғри йўлга тушмас эканмиз бундан фар-зандларимиз, жамиятимиз жабр тортиб қолишини билмоғимиз керак.

Икки оғиз шу сондаги Дил-

впилиши керакки, ҳеч қачон шу оила атрофидаги-лар, қариндош-уруғ, қуни-қушнлар азият чекмасин, чунки бундай нахс юқини кутаришдан оғир иш йўқ эрак учун, бола-чақа ва қариндош учун.

Ҳеч бир ишнинг кечи бўлмайди. Назаримда бу аёл қандайдир катта фожиа бўлишини кеч бўлсада тушуниб етибди-ки, демас шу фурсатдан узини жиловлай олади. Бундан ортиқ бу ишларни давом эттиришга бу иккисининг ҳам ҳақлари йўқ. Шундай бўлсада «Улмаган жондан умид», деганларидек ҳали ҳам кеч эмас. Бу қинғир ишдан фориғ бўлиш фақат уларнинг узларига боғлиқ.

Дилшодбек, Андижон.

ҚОЗОННИНГ ҚОРАСИ БОШҚАЛАРГА ЮКМАСИН

«Нафрат»



бар опага ёзилган мақола ҳусусида. Баъзи одамларга ақл деган нўмат доимо кеч қира-ди-да. Аввалроқ қаерда эди бу аёл қўргур? Ўша аёл биринчи зиракни олганда, биринчи бор хато қадам босганде ақли қаерда эди? Бу аёл кеч бўлсада узини жиловлаб олар-микан? Одамлардан маслаҳат сурашга кеч қолмадимикан? Қора қозон қопқоғи шундай

Холмурод ака (мен у кишини шартли равишда шундай атадим) билан кўпдан танишимиз. Жуда кўп суҳбатларимизнинг аксари мана шундай бошланарди.

— 24 ёшимда Хоразм вилоят бошқармаси бош муҳандиси бўлганман. Қўл остида 11 та пахта тозалаш, 2 та ёғ заводи булар эди.

— Бу қачонги гаплар — журтага савол ташлайман.

— Э, ҳа, отам замони гапирарман-да, ахир, куриб турибсанку, ёшим 70 дан ортмоқда...

— Хуллас, бу лавозимда бор-йўғи бир йилча ишладим, халос. Чунки шурулар даврида бундай урунда соғ-омон кўпроқ утириш оғир иш эди. Иккинчи, вазифан пахтага дахлдор бўлса борми?.. Ҳаммасидан кўнглим совиб, қўлтиққа ургачча Тошкентга келдим. Бир неча йил олийгоҳларнинг бирида ўқитувчилик қилдим. Ҳаммаси мана шу пайтлардан бошланди. Биласан, ҳалол одамга тиркичилик қилиш қийин кечади. Баъзан уйланиб қоламан ё мен ёмонман-у, ҳамма яхши, ёки шунинг акси. Нега десанг, бу ердан ҳам кетдим. Кейин эса оддий шофёрлик қила бошладим. Гапнинг рости шундан сўнг тиркичилигим яхшиланиб, ишларим ҳам юришиб кетди. Дангиллама ҳовли жой солдим. Қўш тинса тиндики, менда ором бўлмади. Ўзбекистон

қолиб, Россия шаҳарлариға бориб пул топиб келардим. Бирор бир фарзандимни ҳеч нарсадан камситмай вояга етказдим.

Хурматли газетхон, Холмурод аканинг сузлари мана шу ерга келганда қисқача изоҳ бериб кетсам. Биз яқинда у киши билан суд биноси остонасида қуришиб қолдик. Қўлларида 23 бетлик ўз фарзандларининг устидан шикоят аризаси. Ана шу аризани ўқиб чиқдим у қўлимга қалам олдим.

«Кунларнинг бирида...» танловига

ларим билан қўярда-қўймай олиб қолди. Уч кўнча шу ҳолат такрорланаверди. Негадир кўнглим хижил эди. Лекин нимага эканлигини билмайман. Қисқаси Шўҳрат дунёга келди-ю, кўнглимдаги қоронғилик янада қуюқроқ туманга айланди.

Бир кун одатдан ташқари, уйга барвақт кайтдим, газабдан юрагим ёрилаёзди. Мени дар-

дим. Соат ун бирлар чоғи эди. Дарвоза аста тикирлади. Уни хотинимнинг ўзи очди. Не қўз билан қўрайки, биздан бир-икки ҳовли нарироқда тургучи қўшнинг уйида ёлланиб ишлаб юрган ёшгина йигит. Улар қўлтиқлашиб ичкарига кириб кетишди. Гарчи уша пайтда азойи баданимдан ўт чақнаб кетган бўлса-да, Аллоҳдан сабр талаб ўтирдим. Со-

уз онасини кўпроқ қаргарди. Минг афсус, кейин билсам, бу йигитни тўйдан олдинги юмушларда бепул ишлаган қайнонам хизмат ҳаққи эвазига унга узининг қўвғили қизини қўшган экан.

Орадан кўп ўтмай қайнонам вафот этди. Орқасидан Зеби ҳам узини нобуд қилди. Шу билан қаро кўнларимга яқун ясалгандек бўлди. Бироқ янглишган эканман. Мана энди фарзандларим вояга етиб, ўқитиб, уйли-жойли, ишли қилиб қўйганимдан сўнг улар бошимда қаро булутлардек соя ташлай бошлади. Анави Шўҳрат ўлмасимдан бурун мерос талашиб мени судга чақирибди.

Мен Холмурод акани биланам, у киши жуда меҳнаткаш, ҳалол одам. Ҳужаликдан сураб олган бир гектар майдонни беш йил бурун теракзор қилган эди, шовуллаб турибди. Яна беш гектарлик олмасорнинг богбони иккита томорқадаги экин-текинларга мана шу Холмурод аканинг ўзи қарайди. Фарзандлар эса... Фарзандларга отадан у эрлай оладиган на шoirлик, на санъаткорлик ҳеч бўлмаган. Мана энди меҳнатсеварлик ўтган. Улар бу гузал фазилатларнинг ҳаммасидан маҳрумдирлар.

— Минг афсус, фарзандларимга едираман, ичирман, деб олиб-югураверибман-у, киммо уларнинг тарбияси билан ишим бўлмаган экан. Ахир қандоқ қилай, мен Зебига ишонган эдим-да.

Саййид ОЛИМ

МЕН ЗЕБИГА ИШОНГАН ЭДИМ...

Юқорида уйланиш ҳақида сўз очмаган эдим. Холмурод ака Тошкентга келгач тагли-туғли бир инсоннинг қизига уйлانган. Аммо турмуш уртоқлари тўрт ўғил, икки қизнинг онаси бўлгачча эрига ҳиёнат қилади. Бу ёғини қаҳрамоннинг узидан эшитинг:

— Бир пайтлар қайнонам «Шу Шўҳратингиз таппа-тайёр узингиз-да», деяверса ҳайрон булардим. Ахир отаси мен бўлганимдан кейин менга ухшамай, кимга ухшасин, дердим зоҳиран. Кейин билсам...

— Ҳамон эсимда, кенжа қайиним уйландиган бўлиб қолди-ю, тўйдан уч кўнча олдинроқ ҳаммамиз қайнонамникига бордик. Кечга яқин қайнонам хотинимни сен эрталоқ бориб уйингги чирогини ёқиб утир, — деб уйга жўнатиб юборди. Мени эса бола-

возадан кирганимни қўрган нотаниш кимса девор ошиб қочди. Уйга югуриб кирсам хотиним ёзиглик ўринларни йиғиштираётганди. Гапнинг рости уша вақтдаги аҳволимни таърифлашга ожизман. Қўлим калталиқ, ўзим ожизлик қилдим. Хотинимнинг прокурор амалилари «ўпкамни босиб қўйишди». Тишимни тишимга босдим. Аммо қасос олиш ўти бир зум бўлсин мени тинч қўймасди. Бир неча кун тайёргарликдан сўнг ўй болгани тайинли жойга яшириб, ўзим хотинимни Қозоғистонга кетаяпман деб ишонтирдим-да, сафарга отланган киши бўлиб қўнча чиқиб кетдим. Қоронғу тушгунча уйдан узокроқда юриб, кеч киргач қўшнинг ҳовли орқали ўз уйимга кириб ишончли ерга яшириниб, юрак ютиб кута бошла-

атларча қўйиб бердим. Кейин аста чердақдан тушиб, қўлимда болта билан ичкарига бостириб кирдим. Улар бир-бирларининг оғушида яланғоч, маст ётишарди. Икковини худди шу алфозда болтанинг остида қўнчага судраб чиқдим. Бақириб, қақириб бутун маҳаллани, йиғиб олдим. Қўнганки шир яланғоч Зебининг ҳам, анави йигитнинг ҳам юзига туфлай бошлашди. Мен энди мана шу йўл билан узимни оқлаган эдим. Зотан аввалгисиде ҳамма менга тўхмат тошини отган эди.

Энг ачинарлиси ана шундай юзи қаро аёл билан яна беш йилдан ортиқроқ мана шу ҳовлида яшадим. Эй, бу орада не-не қўнгуликларни бошимдан кечирмадим. Зеби турли хил йиранглар курсатар, аммо ажабланарлиси, у онасини, ҳа-

СЕВИШ-СЕВИЛИШ ҲАММАГА ҲАМ НАСИБ ЭТСИН

Турмуш уртоғим билан менинг ота-оналаримиз жуда ҳам аҳил, ораларидан қўл ўтмас дўст эдилар. Икки хонадоннинг бирида бир жамалак соч қиз, бирида эса эркак ўғил ўсарди. Сал узимни била бошлаганимда мен уни севиб қолдим. Ҳар доим бирга ўйнаб юрадиган эркакнинг курсам юзими қизарадиган, узимни олиб қоладиган, айни пайтда уни яна қўригим келадиган бўлиб қолди.

Қўнларнинг бирида отанимнинг иш туфайли биз бошқа жойга қўчиб кетдик. Меҳр қўзда деишмади. Ота-оналаримиз борди-келдини ўзмаган бўлсалар ҳам биз анча йиллар қўришмадик. Лекин, мен уни ўнмадим. Биз бағоят ёшга етдик. Мен фақат уни кутардим. Қўнлардан бир кун у юрак ютиб олдимга келди ва турмуш сўқмоқлариде ҳамроҳ бўлишга тақлиф қилди. Мен бахтиёр эдим, лекин аввало ота-онамни бу гаплардан оғоҳ этишим керак, деган ҳаёлга бордим. У кетди ва кўп ўтмай улардан совчи келди. Оқ либос кийган қўчим дунё қўзимга янада чиройли, янада гузал кўринди.

Биз фарзандли бўлдик. Ҳам фарзанд ҳам ўқис... Ҳамма менга парвона. Лекин ўғилчам ёшга етар-етмас бу ёруғ оламни тарк этди. Иккинчи ишаймиз ҳамма нарсамиз бор, лекин анча йиллар фарзанд кўрмадик. Эрим менга билдирмай «фурторлар, мен чекка-чеккада йиғлаб қўладим».

Оллоҳқа шўқрлар бўлсинки, қўнларнинг бирида биз ўғилчалик бўлди. Уғлим икки ёшга етганда биз яна қизчалик бўлдик. Турмуш уртоғим менга ва фарзандларимга жуда-жуда меҳрибон. Дунёда битта салокатли эр бўлса, уша менинг турмуш уртоғим. Агар иккита бўлса, бири у киши.

Турмуш уртоғим билан иккинчи шўнча йиллардан бери бир-биримизга семи севаман, деган сузини айтмаганмиз. Қўнларимиз шу сузини айтиб қўрмадик. Қўнларимиз шу сузини айтиб талпиндик. Ҳаммага севилиш ва севиш бахтини Оллоҳ насиб этсин.

Зулфия САМАДОВА

Буюрбидир ҳокисорлар ташриф, Шўл сабабдан бул замин гулзордир.

(Мирзо Бедил)

Келинлик уйга қўлф тўшмайд, дейишарди. Тўйдан бери қўзатавтан бўлсангиз, пайқагандирсиз: уйимиз келди-кетдилик уй, вақт-бевақт меҳмон аримайди.

Кеча бомдод номозидан сўнг бувингиз Сизни дуо қилаётганларини эшитиб қолдим:

— Парвардигор, саҳарлаб туриб, эшик, остонани очиб қўйган невара келинимнинг ҳаммаша қўлини дилини очик қил, бу остонадан утганларнинг яхши ниятлари вожиб бўлиб, унга яхши фарзандлар ато эт! Очган эшигидан ҳаммаша кўт-баракка кирсин. Ёмон қўздан, ёмон суздан узинг ҳаммаша ҳимоя қил...

Бу дуодан менимда қўнглим яйраб кетди! Эрталаб барвақт туриб жуда тўғри қиласиз.

Янги келинликда баъзан киши эрталабдан ишни нимадан бошлашини билмай эсанкираб қолади.

Уйғониб, юз-қўлингизни ювиб, енгилгина пардозингизни қилиб олган, ишни бувингиз дуоларида айтганларидек эшик очилган бошланг. Кетатурсиз, айвон олдидаги қовуш ечилладиган жойга разм солинг-ки: ҳаммамиз оёқ кийими ўз пойи билан турибдими? Кечкурун ётар олдида ҳаммасини жой-жойига қилиб, артиб-суртиб, пойгани ҳам ювиб қўйгансиз тунда уйғонганлар, эшикча қўнқанлар бўлиши мумкин. Оёқ кийимлар пой-ма-пой, чалқаш бўлиб кетмабдими? Овинингизнинг болалари шўх, уйнаб, пойабзалларни сочиб юборган бўлиши ҳам мумкин.

Бир даққачина вақтингизни оладиган ҳаракат: уларни яна ўз пойи билан таллаб қўйинг. Уларнинг расамда келтирилгангизда оила аъзоларининг ёшга эътибор қўлсангиз яна ҳам яхши. Бувижоннинг қовуш-

рини яқинроққа, кийишларига осон қилиб, юзини олдинга қаратиб қўйинг. Қўз қирингизни ташланг: пойабзални кийишда ишлатиладиган қошиқча жойидими?

Ётар олдида оёқ кийимлари ечилладиган супачани латта хўллаб артиб қўйган эдингиз — баракалла! Қарангчи, ҳозир ишга кетадиганларнинг оёқ кийимлари шайми? Улар ифлос, чанг эмасми? Чанг бўлса, албатта артиб қўйинг. Йўқса, ҳозир эркаклар шовиб артилмаган туфлиларига қора мой билан пардоз бера бошлайларди. Туфлилари алтиршар урнига хира тортиб қолади, бундан кишининг таъби ҳам хиралашади.

Уй эгасининг ҳам, кўчадан келган

УЙ ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

одамининг ҳам таъбининг очилиши, қўнглига вўрулг, фароғат ато қилиниши остонадан бошланади. Уй бекаларига берилладиган баҳо ҳам остонадан бошланади.

Узларига келин ахтариб совчиликка келган аёлларнинг биринчи набатда остонага зеҳн солишлари бежиз эмас, албатта. Остона озода, саришта, яраклаган бўлса — билинги, бу уйнинг соҳибалари жуда саришта, назоқатли, дидли аёллардир. Шўннинг учун қўнча эрталаб туришингиз билан қўнча сув сеип, сўпуриб, йўлакларни чинидай қилиб қўйсангиз, дахлиз озода, қовушлар пойи билан текис талханган бўлса, билин-ки, маҳалла-ю қариндош-уруғ ўртасида яхши келин деган номингиз чиқади. Пойгаги яраклаган келинининг уйи ҳам ҳаммаша жонга ҳўзур бағишлайдиган бўлади.

Қўлгонгизга яна бир гапни айтиб қўяй. Айрим дўгонларингиз ичиде.

Келиним, сиз эшитинг...

— Келин ўзи тушган еридагиларнинг оёқ кийимигага тозалаб қўйиш шарт эмиш! Нима, келин малайми? — дегувчилар ҳам топилади.

У гапларни асло юзаянгидага яқин олиб, шу арзимаган хизматдан оғриниб юрманг. Билинги, бу кичик хизматингиз, озода ва саришталигингизнинг белгиси бўлган ҳаракат сизга биринчидан қўп доо олиб келади. Иккинчидан шу нозик ҳаракатингиз билан уйдагиларни ҳам муайян тартибга, ҳаммаша озода ва ораста бўлиб қўришга ургатасиз. Бир-икки бор пала-партиш кириб келган одам, қайтишда ювилган, артилган, ўз пойи билан ёнма-ён турган пойабзални курсе, қайтиб шундай қилмайдиган бўлади. Оиладаги кичик ёшдаги қизчаларнинг-ку, кетингиздан эргашиб, қовушларни тўғрилиб юршини қўришини ўзи завқли! Сиз уларга ибрат бўласиз, келин болам!

Меҳмонни эъзолаш остонадан бошланганин курсатадиган бу қўнча аммо қўнгул очилигини намоён этувчи удумимиз унут бўлмаслиги керак.

Зеро, Бедил деганларидек:

Буюрбидир ҳокисорлар

ташриф,

Шўл сабабдан бул замин

гулзордир.

Инсон табиятан орасталикка, покликка, гузалликка интилади. Остонаси яқиллаган уйдан меҳмон аримайди. Бу хонадон келини, соҳибасининг бахтидан пешонаси яқиллайди.

Раҳима Шомансурова

КУТЛАЙМИЗ!

Онақонимиз

Гулнорадон Муҳринова!



Сизни таваллуд айёмингиз билан кутлаб, сизга узоқ умр тилаймиз. Бахтимизга доимо омон бўлинг.

Оиламиз
номидан қизингиз
Моҳигул

Хурмашам ойнақонимиз
Масфурадон!



Таваллуд айёмингиз билан кутлаймиз ва ишларингизда омад, соғлиқ тилаймиз.

Умр йўлдошингиз,
фарзандларингиз,
келиндарингиз,
набираларингиз.

Сафдоржон!



Сени 3 ёшга тулган кунинг билан табриклайман. Келгусида қомил ишдан бўлиб этишишингни тилайман.

Доданг Саидмурод

Азиз ойнақонимиз

Гулнорадон Муҳринова!

Сизни туғилган кунингизда чин қалбдан кутлаймиз! Бахтимизга узоқ умр қўлинг, бахту саодатли бўлинг!

Фарзандларингиз
Гулбаҳор, Тамара,
Улугбек, Рўздат,
Инобат, Азизбек,
келиндарингиз ва
куёвларингиз.

Биламан, сингилжон, жуда қўрқаяпсиз. Рост-да, қўрқмай буларкамиз? Тўйгача ҳамма «улдим-кўйдим» деб юради, тўйдан сўнг сизга онасининг, танноз сингилларининг, урни келганда кўчадаги қиз-жувонларнинг елкаси оша қарайди. Бу ҳолда сеvimли, яхши бўлиш осон эмас.

Аммо қийин ҳам эмас.

Хуш, аввало, эрингизни сеvimгина қўлмай, унга сизининг «Эрингизга сизининг» дея ҳади-су-шарифларда ҳам кўп бор қайд этилган.

Меҳру муҳаббатингизни, қилган хизматингизни ҳеч қачон миннат қилманг.

Эрингизнинг ота-онасини, жигарларини ҳурмат қилинг. Тўғри, ҳар хил одам бор. Балки улар бошқда сизни синишлари ёки умуман унча ётирмасликлари мумкин. Лекин, сиз уларнинг синовидан ёки ётирмаслиги кузатилган нигоҳларидан умуман қўрқманг. Оилани сақлаб қолиш, бошингизни ҳар хил кўнглисиз ғийбатлардан, тўғилмаж болаларингизни етимлик ўқубатларидан асраб қолиш учун сиз уларга яхши гапиринг. Яхшиликлар қўлаверинг.

Саранжом-саришта, озода

бўлинг. Йиғиштиришни ҳар кимнинг ҳам қўзи тушавермайдиган жойлар — ётоқхона ва ошхонадан бошланг. Озода, ҳушдаво ётоқхона турмуш ўртоғингиз ҳар кун кирадиган жой, саранжом-саришта ошхона эса қўйноқнинг кўнига неча бор бош қўядиган жой...

Эрингизни тергаманг. Ҳеч қандай терговчи жавобгарга маълум бўлмаган. Аксинча, уни пардоз-андоз, ҳушнудлик билан қўтиб олинг. Токи у ҳар қўни маъна шу ҳушнудлик онларини қўтиб яша-

син. Ҳаёт сўқмоқлари бир текис эмас. Эрингиз ҳам ҳам сўт эмган банд, хато қилиши, ҳатто хийнат ҳам қилиши мумкин. Аввало уни ҳатолари билан сеvim, хийнатини кечирингиз ҳаракат қилинг. Агар бу иш қўлингиздан келмаса, аёллик нафсониятингиздан кечинг. Оила учун, фарзандларингизнинг бахти учун шу онлангнинг ҳокимсори, саришта бекаси бўлиб қўлинг. Шунда сиз моларимизнинг «эрингизнинг оёқлари тағига жонингизни гиёҳдек садқа қилгил», деган ақидасига амал қилган бўласиз ва эрингизнинг бошингиз узра осмон қадар

СЕВИМЛИ БЎЛИШ СИРАЛАРИ

Маслаҳатхона

паноҳдек юқалиши ва қўшдек меҳр нурларига қўмиб ташламоғига эришасиз.

Замондан орада қолманг. Китеб, газета-журнал ўқиш, телевизор қўриш учун вақт ажратинг. Эрингиз сизни фақат саранжом-саришта бека, дилбар аёл деб эмас, етук, доно суҳбатдош ҳам деб билсин.

Ҳамсуҳбат бўла олмай диган гузал аёлнинг ҳу-у, болалигингизда китебга алмашилган чироили қўғирчоқдан

ҳеч қандай фарқи йўқ. Шундай адоғсиз ҳокимсорилик, бетаъма меҳр курсатмоққа тайёрийсиз?

Демак, сиз сеvimли бўлишга ҳам, оила қўришга ҳам тайёрсиз.

Дарвоқе, сиз уни яхшилаб ургандингизми? Отаси ким, онаси ким? Қимлар билан дуст тутинган? Сиз узингизни чоғлаётган ҳокимсориликка арзийдими?

Умр савдоси-я! Ҳа-а, унда яхши... Бахтли бўлинг.

Жамила ЭРГАШЕВА.

ИБН СИНО САБОҚЛАРИ

ШАФТОЛИ

Шафтолининг баргидан олинган сувини қулоққа томизилса қулоқ ичиданги қуртларни ўлдиради.

Шафтолининг баргини киндикка қўйиб боғланса, қориндаги барча қуртларни қириб ташлайди.

Шафтолининг гули япроғидан сиқиб олинган суви ичилса ичингиздаги қуртларни тугатади.

Пишган шафтоли ейилса, ҳар қандай ични юмшатади.

Ҳар қандай шафтолини тўқ қоринга ейиш, организм учун фақат зарар келтиради.

Саидмурод САИДАҲМАД
тайёрлади.

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» УГИТНОМАСИ

ИХЧАМ САТРААР

ТАБИАТ МОҲИР МУҲАРРИР

Ҳали ҳаммамизни айлағай тахирир
Табиатнинг ўзи моҳир-муҳаррир!

ҲАЁТ ҚЎЗҒУ

Тумтайма, дўстгинам, тумтайма
хайҳот,
Тумтайма одамга тумтаяр ҳаёт!

ҚИЗҒАНЧИҚ ДУНЁ

Ўзи-ку хашак емайди кучук,
Қизик, қизанар сизгидан нечук?

БОЛА БЕОЗОР

Отаси бозор бўлса, онаси бозор бўлса,
Боласи ким? — Бозор-да! Наҳотки бозор бўлса?

ҚОҒОЗ ГУЛ

Бўлса кимки жоҳил, ҳасис, ҳисси
йўқ,
Мисли қоғоз гулдек бўйи, иси йўқ.
Тулан ҚЎЗИБОВ

ЯНГИ ҚЎЙЛАК ТОР КЕЛДИ...

Туш таъбирномаси

Бир қўни уйимизда тўй арафаси эди. Гапдан гап чиқиб туш ҳақида гап бошланиб қолди. Тушдаги воқеаларни баъзиларининг унг келиши, қўп нарсалардан аён бериши ҳақида ҳар ким ўз кўнглидагини айтиб ўтиришарди. Акам — Буларнинг бари бекорчи гаплар, — дея ишонмасдан урнларидан тур-бир кетдилар. Шунда катта олам дедилар:

— Эҳтиомол кўпчилик бунга ишонмасу, лекин мен тушларда ҳам қандайдир ҳақиқат борлигига ишонаман. Ҳабаринглар бор, ақинда уй оламиз деб юргандик. Уйни қўриб келишга бордик. Анча олис экан. Кун иссиқ, бўлгани учунми салқин уйга кирганимда уйку элтиди. Чарнабман шекилли. Қўзим илинибди. Тушимда кимдир менга янги қўйлақ берибди. Кийиб курсам менга тор эмиш. Шу лаҳза эшикдан қизим Шаҳноза кирибди.

«Сен кийиб қўр-чи, балки сенга лойиқ келар, — деб унга қўйлақни узатибман. У қўйлақни кийиб курс, лоппа-лоийқ келганимиз. Аммо неғадир ёни йиртилиб, қора ип билан чатиб қўйилганимиз.

Хуллас, эртаси қўни уйни яна бориб қурдик. Лекин уй бизга торлиқ килар экан. Шаҳнозаларга ҳам уй керак эди, шулар олишса қандай бўларкан. деб фикрлашдик. Маслаҳатлашганимиздан сўнг уйни улар оладиган бўлишди. Аммо уйнинг ҳўжжатларида уй эгасининг фамилияси нотўғри қўрсатилган экан. Ярим йилдан ортқ оворан-сарсонгарчилиқдан сўнггина уйни узларининг номига расмийлаштиришди. Шундан кейин мен шундай хулосага келдим. Демак, қўйлақ янги уй бўлган, қўра ип билан чатиб қўйилгани эса уй олишдаги дилхиралликлардан далолат берган экан.

Ҳалима УСМОНОВА, Тошкент

ИМКОНИАТ

Мусича билан кабутар доимо бирга парвоз қилишга аҳд қилдилар. Бир мўддат ёнма-ён учдилар ҳам. Сўнг мусича дарахт шохига кўнди ва кўк пештоқида чархпалак бўлаётган, гоҳ чаппар уриб рақсга тушаётган кабутарни кузатаркан дунёда истакдан ташқари имконият деган бир ҳақиқат ҳам борлигини англади...

Суюқлисиға пушти гулли новдаларни узиб бермоққа шошилётган ошиқ йиғит бирпас тўхта! Сен узмоқчи бўлаётган шу

ИЧКИ НИДО

бўтоқ тез кунда ҳосилга қиради. Шигил ҳосили — оғизга олсанг эрийдиган шафтолилари билан гурурланади. Юзлари шафтоли ширасига беланган гудак қўлидан тушган жигарранг данак эса келгуси баҳорни қўтиб ерга бағир беради.

Сўнг... — Қўй, шу новданинг ширин орзусини чил-чил қилма.

Барча зўр мусаввирларнинг устози У. У танлаган ранглар муаносиблигига таъриф йўқ. Бунга барча рассомлар тан беришади-ю... ундан нусха қўчиришади. Аммо мусаввирлик пайдо бўлгандан бўён улар ишлаган нусхалар ҳеч қачон мўкамаллик даражасига кўтарилган эмас. Ахир рассом еллар шивирини қайси ранг-

ТАБИАТ — БҲЮК МУСАВВИР

да берсин? Унинг гоҳ гудак қикирига, гоҳ бўй етган қиз табассумига монанд сасини қай тахлит чизсин? Талабчан устоз эса шоғирдлар олдига янада мураккаброқ вазифалар қўяди. Машҳур рассомлар буюк устоз — табиат уғитини тинглай-тинглай у қўйган талабаларни бажара-бажара жаҳонга танилади. Табиат ҳақон мусаввирлар қаламини чархлаб, би-лиш оламини пешлайди.

Маҳамтош ҚОДИР қизи

ЭЪЛОНЛАР

«ОИЛА-520»

27 ёшдаги, олий маълумотли, келишган, турмушга чиқмаган, вилоятда яшайдиган қиз, ҳаётда ҳамроҳ бўлгучи инсонни қутади.

«Оила — 521»

Тошкентлик, бўйдоқ, 50 ёшли, хунароманд, инсофли, оғир-вазмин киши ўзига умр йўлдоши излайди.

АЛМАШТИРАМАН ЁКИ СОТАМАН

Х. Дўстлиги метроси ёнида 10 хонали, 6 сотих ери бор, 3 қаватли коттеж;
Тел: 45-29-66
уй: 35-81-09

АЛМАШТИРАМАН ЁКИ СОТАМАН

Яккасарой тумани марказидаги 6 хонали, 6 сотих ери бор, планли ҳовли.
Тел: 30-97-39
42-07-17

АЛМАШТИРАМАН ЁКИ СОТАМАН

Чилонзор, Оқтепа томонидаги 12 хонали, 7 сотих ери бор, яхши таъмирланган уй;

Тел: (уй) 78-42-77
(иш) 77-76-51

АЛМАШТИРАМАН ЁКИ СОТАМАН

Фазалкентдаги 9 сотих ери бор, 6 хонали, барча қўлайликларга эга бўлган ҳовлини Тошкентга 4 хонали квартирага (тенгма-тенгга) (3-қаватдан юқориси тавсия этилмасин)

Тел: (уй) 60-19-01
(иш) 34-86-91

ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БАЖАРАМИЗ.

Тел: 144-39-01
уй: 35-81-09

Қатрала

1

(Боши ўтган сонларда)

У киши эса доимгидек заказчиқа кетавердилар-шанба, якшанба кунлари ишлари чиқиб қолаверди. Кўникишдан бошқа ҳеч илоҳим йўқ эди, фақат болаларимни уйлашим, уларни беота устимаслик учун ҳамма нарсага қўнишим керак эди. Чўнки ўзим етимликда ушиб ота-онанинг нақадар табаруқлигини, азизлигини англаб етдим. Ота-она билан кечирадиган бир кўнлик умрим учун бутун борлигимни тақдим қилиб юборардим. Фирма-мизни ҳусусийлаштириб олдик. Бошқариш бутунлай мени зиммамга тушди.

Шундай кўнларнинг бирида эримнинг пардозловчи бўлиб ишлайдиган жияни айтиб қолди: «Тоғам бир қизиқча, ҳамма гапирар-япти. Бригадада, ана у яқинда ишга олганларингиз — Таня бору шуни тоғам кеч 9 дан кейин енгил машинада узлари уйга ҳар кун олиб кетадилар. Мен бўлса, қиз бола ҳолимга эркаклар билан автобуста келаман, айтиб қўлинг келиноий,маниям олиб келсинлар».

Эҳ қизгина, тоғанг сени ҳеч қачон у билан олиб келмаслигини билсайдинг, демек уртоғимнинг қизи деб яқинда ишга олгани на-вбатдаги ҳуштори экан-а. 17 Ёшли қиз, наҳот отаси тенги одам билан...

Кейинчалик мен эсам бригадани ўзи уни ишдан бўшатди. Ишлама-са ҳам иш қуни қўйилиши, иш ҳақини ҳаммаикидан зиёд чиқиши. Аммо эримни у билан уч-

рашувлари нима билан тугади Аллоҳагина аён.

Катта бир қурилиш комплексини бошқариш,ҳисоб-китоб юриштиш мендан чўкур билимни талаб қиларди. Ўз устимда ишлаш, тушуниш учун билимим камлик қилиб қолди. Тез-да соҳа бўйича билим юртига сирт-дан ҳужжат топширдим. 3 йил ўқиб олиш маълумотли инженер, иқтисодчи-ҳисобчи мутахассисликларини олдим. Илмнинг янги томонлари менга куч, илҳом берар, билма-ган нарсаларимни билиш менга завқ бағишларди. Қурилишни 1 сентябрга тақдирлаб вазирасини қўйишди. Иш қизигандан қизиб кетди. 2 та комплекс бригада қоронгу тушгунча ишлар, ишчи хизматчилар сони 210 кишига етган эди. Шундай кезлари ҳам бошлиқ бўлиш эрим эртдан кечгача қораларини қурсатмас. Гоҳ у, гоҳ бу баҳона билан жўнаб кетарди-лар. Мен ҳам ҳеч нарса сурмасдим. Одам сони ошиб, кеч 5 дан кейин ҳам ҳужжатлар, ҳисоботлар қўлайиб кетган шаҳардаги уйимиздан болаларим билан қурилиш майдончасидаги кўтёжга қўчиб келишимизга тўғри келди. Уйни аввал ремонт қилиб линолеум ётқиздилар, кейин обой ёпиштирадиган бўлди. Яқинда фар-рош бўлиб ишга ўтган Аняни ёрдам-га чақирдим. У стол устига чиқиб олиб обой ёпиштирарди, биз узапти бериб турардик. Шу пайт тўсатдан эримга қўзим тушиб қолди. У Аня-ни овқарига термўлганча қотиб ту-рарди. Уша қуни кечда Аня идора полини аргани келса енларига

2

«Кўнларнинг бирида...» танловиға

утқазиб шарт қўйбдилар. Агар у айтганларига ҳўп деб эрим билан бўлиб турса ойлигини ошириб ко-мендант қилиб қўйишларини, агар йўқ деса, ишдан бўшатиб юбориш-лари мумкинлигини... У йиглаганча менга деди: — Мен сизни жуда ҳўрмат қиламан. Мен сизга ёмон-лик қиллолмайман. Биз ҳаммамиз сизга ачинамиз, сиз жуда яхши хотинсиз — очик кўнгилсиз. Эрингиз яхши эмас, у суюқоёқ, буни ҳамма билади. Фақат сиз билмайсиз. Энди айтдим сизга ҳақиқатни, нима бўлса қўнаман. Бушатса, кетаман, бўшатмаса, ишлайман. У кетди, эрим бўлса, бу гапларни бўхтон деб, унинг ўзини енгилтақа қиқарди. — «У мени ди-лимдаги аёл эмас, агар асалга ураб беришса ҳам емасдим!», — деди.

Қурилиш давлат микёсидаги обь-ект бўлгани учун уша пайтлар тез-тез нўб нарсалар — автомашина-лар, телевизор, музлатгич, кир ювиш машинаси, мебеллар, озиқ-овқатлар тез-тез ажратилиб, ишонч қўгози билан пул утқазиб дуқонга келтирган лотерея уйини қилиб уйин билан берилар, кимга тушса уша со-тиб олар, агар қайтарса яна қайта-дан уйнардик. Бу жуда қизиқарли эди, ҳамма телпақдан биттадан ду-моқ қўгоз олар, бировга чиқар, би-ровга йўқ, ҳеч ким бир-биридан хафа бўлмас, мард уйин эди. Фақат дуқонга келтирилган тушўнка ва

сғушўнкалар ярами бўлиниб, яри-ми запасда қолади. Қўлган нўб моллар, гоҳида айрим чет эл мол-лари ҳам эримнинг яқинию таниш-ларига яшиқлаб тарқатилар, кар-тошқалар 1 қўп болаларим билан менга келиб тушса, 1 қўпдан у бу аёлларига ҳам тарқатилар экан. Буларни барини бригадир бир кун маст қолда гапириб берди: — Гоҳ у, гоҳ бу аёлни машинасида олиб келиб, хоҳлаган нарсасини олиб бериб, машинага ортиб олиб кетарканлар. «Ҳар сафар Ёш-Ёшларни етаклаб келади, син-гли эринг тинч юргани йўқ, бил-санг», — деб қолди у.

«Қўлимдан нима ҳам келарди, болаларим билан бирор бора-рим бўлмас. Тақдирим шу экан, Худо инсоф бериб қолар» дедим.

Кўнлар утаверди. Қўзига ҳам «олабужи» бўлиб қўрина-верамани, билмайман нуқул фи-гурангин қара, барвақт туриб югу-ришиг керак. Ўзинга қараб юр-майсан, қўйлагинг ярашмайди, дея айб тоғгани тоған эди. Жим-гина чидашдан бошқа чорам йўқ. Ўз эримдан қурқаман, ҳайқаман, қўлда югуриб хизматини қиламан. Унда хотин эмас — хизматкорга айланиб қолдим. Ҳўхласа уради, хоҳласа... Ҳаммаси оилани сақлиниб қўлиш, болаларимни ти-рик етим қилмаслик учун. Дадам биз-қизларни бировга қаттиқ га-пирмасликка, гапирганда ерга қараб сузлашга, овоз чиқариб кул-масликка, ўзидан каттани ҳўрмат қилишга ургатган бўлсалар, ҳаёт

СИНГАН КЎНГИЛ ИЗҲОРИ

3

қўлган барчасига мени ўқитди.

Учинчи боламга ағир оёқ бўлди. Сарик касалининг асорати билан жигарим оғриши баҳона бўлиб врачлар менга тўғиш мумкин эмаслигини айтишди. Дадамизни чақириб болани олдириш керакли-гини айтишганда узимга қўйиб бер-дилар: «Ўзинг биласан... Мен эса болани танладим, чўнки раҳматли бўвимлар «— Ўз боласини ўзи ўлдирганларни гуноҳи оғир», — деб таъкидлардилар. Тақдиримни Аллоҳга қўйиб бердим. Эримда эса ҳеч ўзгариш сезмадим. Мени ҳаётим ҳавф остида пайтлар ҳам у ҳар нарса устида хафа қилар, агар ўлиб кетсам, унинг ниятлари амалга ошадигандай эди. Бола тўғилишдан сал ўтганда эса мён-га суяниқ бўлиш урнига болаларим олдида менга тўхмат қилди-лар: — «Бу бола ҳаром бола, меники эмас, ёмон йўлдан орттирилган бу». Шу биргина сўз мени тириклайин гўрга тикди. Бола 9-ойда тўғилмаса ҳаром экан, кей-ин у киши 1 ой унда бўлмаганлари учун мен уни қўчадан орттириб келибман. Узла-ри кўча қўрганлари учун ҳам мени суюқоёққа йўйдилар. Шу кўни 2 марта ўзимни ўлдиршига жазм қилдим. Яна пиелага тулдириш ўқ-ус кислотаси қўйдим. Яна келиб қўлимдаги пиелани аввал 7-ўшда, ҳозирги сафар эса 15-ўшга кирган қизим ағдарди. Яна уйдан чиқиб кетадиган бўлди, кетказмадилар, кейин анализ олиб қондан аниқласа буларкан.

Бола жуда оғир тўғилди, менинг ҳам ҳаётимни асраб қўлишди. 3 ойлар бола билан менга оғир

бўлсада, яшаб қолдик. Бола қўйиб қўйгандек эримнинг ўзи, қўрган дуслари гоҳида «ўзинг тўққанмисан» ҳам дейишаркан. Шу пайтларни эс-ласам, Худо борлигига тан бериб, шўкур қиламан. Жалх устида ҳам ўзимни, ҳам боланимни ўлдирганимда — ҳақ бўлсада тўхматларга қўлиб кетармидим. «Ана айб ўзида экан-да» — ҳаромдан орттиргани учун очилмасин, деб ўзимни ўлдирди», — деб бемалол айтирдилар. Ҳўзир тушуниб етдим, одам ҳеч қачон ўзига ўлимини чақирмаслиги ке-рак экан, Худодан яхши кўнлар-ни тилаб яшаш керак экан. Бола тўғилиши билан бизлар қўват-га киришимиз учун 3 ойлар вақт ўтган бўлса, шу вақт ичиди яна бир аччиқ ҳақиқат мени тирик уликка ай-лантирди. Эрим дадам оламдан ўтиб бундан 12 йил олдин уйимизга олиб келган синглимни мен тўғруқхонага тушган вақтлар... бу ёғини айтишга тилим ожиз...

Барибр энди вақт ўтган, уни ис-бот далиллаш учун эса кеч. Шу кун-дан бошлаб мен руҳга айландим. Сўратим юради, туради болаларим деб олиб юраман. Фақат болаларим атрофида айланиб-ўргилиб юравераман. Мен учун севги ҳам, муҳаббат ҳам, бахт ҳам йўқ нарса. Фақат ҳаёт бор, тириклик бор. болалар билан усаётган умидлар мавжуд. Йиллар ўтиб болаларим воёга етди, ҳаёт-ўмр юзга ақинлар чизиб, сочларга оқ оралади.

Аммо, қарилик ҳам, умр ҳам қилинган гуноҳларни йўқотиш, ювиб кетишга қодир эмас. Синган кўнглини бутлаш, йўқотган меҳрни беришга ҳеч нарса қодир эмас экан. Мен ҳам севишга-севилишга арзи-

4

масмидим? Ёнимда мард, вафодор умр йўлдошим билан қўша-қариб бах-тли-тахтли бўлишга нега арзимайди? Ишқи рус аёлига тушиб, рус қизга уйланоқчи бўлганда «оқ қиламан» — деб турган, қаршилиқ қилган ота-она-си айбдорим менинг бахтсизлигимга? Нега севганига уйлантиришмади? Зора, бу расволиклар йўқ бўлармиди? Мен-чи, нега билмай ту-риб уни севдим, кўнгли қўйдим. Пе-шонамга Ёзилгик шу кўнларни қўриш учунми? Унга уйин бўлиб қанча аёллар қолди, кимлар ҳўзир ҳам унинг домда.

Нега менга энг азиз қизимдай бир жигарим унинг қўрбонига айлангани-ни тақдир жуда кеч аңлатди?

Эримнинг кўнглини ололмадимми? Ахир атрофида бир умр гирду-қапа-лак эдимку, икки кишига етадиган севгим билан... Севгим бир сафар алангалаб туни билан қўтиб эрталаб-га ақин келган эримни сўроқладим:

«Қаерларда қўрибсиз, туни билан ўхламадинг», — дедим. Маст келган эрим: — «Ҳўзир бошининг қатигини чиқариб, ўхлатиб қўяман», — деб сочимдан ўшлаб бо-шинини деворга ура кетганди. Одам боши тошдан деганлари рост экан-да? Уйлаиман, нега синиб буларқалга бўлиниб кетмади бу бош? Уша вақтлар 2 бола билан ортиқча бўлган эканман-у, севмаган, аңламаган экан-ман...

— Бу дунёда одам умри жуда қисқа, уйнаб-қўлиб яшаб қўлиш керак, — деган гап ҳам тўғримикан? Хотин киши ҳам бир овқат ҳар қуни бир овқатни ейверсанг, меъданга те-

гиб қолади? — деганида эрим ҳақиқатни айтганимиди?

Уйлайверсанг, ечилмас жумбоқлар қанча кўп? Одамод фақат гуноҳ қилиб яшайдими? Унда покиза орият дўнатили ин-сонлар кимлар? Пайгам-баримизнинг «Мен яхши қўрган инсонлар сизларни аҳли авлиғинизга яхши муносабатда бўлганингиздур», — ҳадисларини мўсулмон деган эркакларимиз нега ўд олишмайди, нега бунга амаж қилишмайди? Нера?

Севгисини, севганини йўқотиб, ёмонман, деб ўз-ўзига таъналар отиб, болажонлар бахти учун йўғрилган аёл!.. Аввлар жамияти-мизда қанча қўп. Мен ҳам ана шу аёлларнинг бириман, холос. Бола-жонларим, жамики болалар омон бўлишини, тинчлик доим тантана қилишини Худодан сўрайман. Ҳеч ким учун ёмон нијатим йўқ, ҳеч бир бола ота-онасиз қўлишини ҳам хоҳламайман.

Кўнларнинг бирида... ҳеч қўти-лмаган яхшиликлар содир бўлишини, эзгуликлар тантана қилишига ишонаман. Бировни қараб, бировдан ў олиш нијатим ҳам йўқ. Жазоловчи Ёлғиз Аллоҳдир. Мен кечирими бўлиб қолавераман. Ҳар ким бир кун эк-канини уради. У «киши» ҳўзир ким билан яшаётган бўлса-да, соғ бўлсин, чўнки у болаларимнинг отаси. Фақатгина фарзандларим тақдир меникига ҳечам ўхшамас-лигини Аллоҳдан тилаб қўламан...

САОДАТ

«Кўнглида тинчи бўлсин, аёлнинг» мақоласини ўқиб жуда таъсирланиб кетдим.

Менинг ёшим 42 да, ҳали қиз боламан. Турмуш ташвишлари билан бўлиб ўз ҳаётимни уйламаганман. Энди шу ёшга кириб Ёлғизлигим билингандан кейин пушаймонда-ман. Биламан, кейинги пушаймон узингга душ-ман. Лекин, нима қилай? Дардимни кимгадир айтишим керак-ку, ахир. Зора озгина бўлса ҳам кўнглим бўшаса.

Айниқса мана шу мақолани ўқиганимдан кей-ин қўзим очилди. Тўғри,нопоқ йўлга кирганим йўқ ёки бировнинг оиласига хиёнат қилганим йўқ. Аввало мен ўзим бировга хиёнат қилма-

ганим учун бировнинг ҳам хивнатики кечирол-майман. Лекин нимага одамлар бир-бировини алдайди? Шунингдек, эр-хотинни хотин эса эрни

«КўНГЛИДА ТИНЧИ БЎЛСИН, АЁЛНИНГ»

(«Оила ва жамият» 29 сон)

қўзига қараб хиёнат қилади.

Қани энди уша вақтлар ёшлик қилиб ўз ҳаётимга лоқайдлик билан қарамаганимда эди.

АКС-САДО

Менинг ҳам ҳўзир эрим, болаларим буларди, ёмон бўлса ҳам ҳўрматини жойига қўйган булардим, кўнглига қараб иш тутардим.

Онам айтадилар: Эрни яхши бўлишига ҳам, ёмон бўлишига ҳам кўпроқ хотин сабабчи — эр подшо бўлса — хотин унинг ун қул вазири, деб. Истагим шу-уша аёл-она-ку, ҳар қандай шароитда болалари учун чидаши, бардошли бўлиши керак. Чўнки ўзининг ҳаёси, ибоси билан она ҳам у. Унга теккан тош-малома-тош болалари кўнглини яраламасин. Менинг фикрим шу. Исминини, фамилиямни ёзмадим. Чўнки мени тўғри тушунганлар бор, тушунма-ганлар бор...

«ЧИЛЛАЛИК»ДАГИ АСОРАТ

...Опам Насибхонни кўргани Кўзон шаҳар туғруқхонасига борган эдим. Опам билан суҳбатлашиб, қайтаётганимда шифхона скамейкасига ўтирган, чамаси эллик беш ёшлардаги аёл эътиборимни тортди. Мен унга яқинлашиб:

— Холажон, нега йиғлаясиз? — дея сурадим. У менга юзланиб, оппоқ румолининг четига кўз ёшларини артди.

— Вой, қизим-ей, келганингизни билмай қолибман... Қизим Юлдузхонни ҳозиргина «Тез ёрдам» машинасида олиб келишди. Хали-замон куялиб қолишад.

Холажон, бу кўз ёшларингиз севинч ёшлари деган-а! Суйинсангиз бўлмайдингми? — Эй, болам, мен гапирмай, сиз эшитманг. Қизимни турмушга берган эдим. Қайна-қайната-сига минг раҳмат: қизим ортидан «ота-онангга раҳмат», — деган дуоларни эшитдим. Оллоҳга беадд шукр дейман. Аммо, кўзим Олимжон икки йил ичида қизимга ширин сўзини, меҳрибонлигини ҳеч қурсатмади. Нуқул қизимни ҳайдаб юборар, ичиб келиб уяр, ҳақоратлар эди. Бу жанжалли кети тугамагани сабаб, қизимни олиб келдим. Бир эрим йил турмуш қуриб, ақрабиди кетди. Қизимни маҳалладан эди. Қизимнинг ой-кўни яқинлашиб қолганда, шу бугун вақти-соати экан, эсон-осон тугиб олсин...

— Кўвингиз Юлдузхонни шифхонага олиб келганингиздан беҳабарми?

— Эҳ, болам, ҳозир кеч соат еттида қайтадан яна қуёв бўлиб, хотин олиб тўй қилибди. Қизим ЗАГС машинаси овозини эшитиб, ранги узғариб дарди қуяйиб кетди. Шунинг учун Аллоҳ берган қисматга шифхоналар сўраб яқинлашди. Шу пайт шифхона эшигидан бир аранг чиқиб, онахонга Юлдузхон уриллик бўлганлигини айтиб қолди. Ва врач онахоннинг қулига бир хат туптади. Она дам йиллар, дам куларди.

Мен онахонга озгина бўлсада, далда бўлганиданми, она қулидаги хатни мендан ўқиб беришини илтимос қилди. Мен Юлдузхон ёзган мактубини ўқиб бердим. «Менинг, азиз онахоним, сизни неваро қуранингиз билан табриклияман. Онахон, мен омонгина «кўз» ёриб, қулулиб олдим, докторларга раҳмат айтдим. «Чиллалик» бўлган вақтида бир гапни айтман: Олимжон акани яратганининг узига солдим. Илоҳим, фарзанд юзини қурмасин...»

...«А, Юлдузхон ўғил қурди. У албатта шу дақиқадан бошлаб, «Чиллалик» бўлди. Чиллалик жувон «қарғас» қарғиши ўтади, — деган «гап»га ҳеч ишанмаганим. Мен шифхона дарахсизидан чиқар эканман уйланиб қолдим. Чунки, янги туғилган чаклоқ йиғларди. «Дадаяхонинг қарнай-сурнайлар остида янги қуёв бўлганда йиғлаясанми?», — «Онахон сизга қараб, йиғлаб кўкрак тугишдан йиғлаясанми?» — дегим келди.

Яқинда Юлдузхоннинг онасини газета дўкони ёнида қуриб қолдим. Биз узоқ суҳбатлашдик. «Оила ва жамият» газетаси ёрдами билан Юлдузхон Қаримжон деган йигит билан танишиб, Бухоро шаҳрига турмушга чиққан. Қанда ҳозирги кунда уи фарзанди бўлибдими сўйиб сузлаб берди. Олимжон эса Янги йил арафасида болалар отган мушакли уқдан икки қизи жароҳатланиб, кўзи оқиб бўлиб, нафақада, бефарзанд эмиш...

Шунинг учун доимо «Хой одамлар, чиллалик авлодан кечирим суранглар, қалибга озор берманглар», — дегим келди.

Мадина МУХИДДИНОВА



Тезроқ бўл, мактабга кеч қолаяпман...

БОЛАЛИКНИ СОҒИНИЧ

Болаликнинг кўчалари кўздан ўтар,
Умр қарвон тўхтамайди мангу кетар,
Юрагимга зангор соғинч тигдай ботар,
Болалигим, сен ҳам мени соғиндингми?

Майса гилам — ялангоёқ чопар эдим,
Кўк далада кўкса қараб ётар эдим,
Ялғизларнинг буйларидан ўпар эдим,
Ялғизгинам, сен ҳам мени соғиндингми?

Болаликнинг кўчалари тор эмасди,
Ғам, ташвишга мурғак қўнғилим зор эмасди,
Дил муродим ўчинларга ёр эмасди,
Ай шўхлигим, сен ҳам мени соғиндингми?

Энди ўша осмон тўла кўзлар қани?
Қирда қолган ялангоёқ излар қани?
Буйларига маржон илган қўзлар қани?
Синфдошим — сен ҳам мени соғиндингми?

Зору — ҳайрон тентирайман «ТОШ»лар аро,
Қўзимдаги қалқиб турган ёшлар аро,
Сенга этиб боролмайман тушлар аро,
Ўзганим айт — сен ҳам мени соғиндингми?

Дилмурод ҚОСИМ

Митти ҳажвлар

ВИСОЛ

Оҳ... қанчалар интизор бўлиб кутганлигимни билсанг эди... Сени ўйлаб неча-неча тунларни бедор ўтказганим, кундузлари кўноридак гарангсиз юрганларим... Юракчам эзилиб кетди... Ана кепқолар, мана кепқолар ширинширин ҳаялга ботиб, умид қилиб, бармоғимни лабим билан ҳуллаб кун санайвериб бўлганимча бўлдим. Ҳажрингда ўтган ҳар бир дақиқа йилларга тенг бўлиб кетди-ку, азизам! Шу қадар бекехр, огирқарвон бўласанми, фариштам?! Ва ниҳоят... «Умид қилган етар муродга», деганлари чин экан. Ура! Сен келдинг... Почтачи қўшқуллаб тўтқазиб кетди. Хуш келибсан, ГОНОРАР!

АНТИҚА УСЎЛ

Маиший хизмат курсатиш бошқармаси бошлиғи Наҳангбек Ёбтуймасов порахўр эмас. Ким агар шундай деса, бекорларни айтибди. У шунчаки костюм-шимини «Химчистка»га, уй шиппагини пойабзал тузатиш устaxonасига, будильнигини сотасоғга, транзисторини радио устaxonасига топширди.

Орадан икки кун ўтиб Наҳангбек аканинг бу буюмлари «арзимаган» узғаришлар билан буюртмачи бошлиққа қайтарилди.

Ажабланирлиси шундаки, антиқа «мижоз» топширилган костюм-шимиди дукон ёрлиғи пайдо бўлиб қолганига, шиппаги ихчамгина туфлига, будильниги «озиб» япон қўл соатиға, транзистор эса «тулишиб» магнитофонга айланган қолганига кўпам ҳайрон бўлгани йўқ.

Эндиги навбат совутгич, телевизорга ухшаш «майда-чуйда» нарсаларга. Ҳа, улар ҳам таъмирталаб бўлиб турибди.

Зоҳиджон НЕЪМАТ,
Богод тумани

(Боши ўтган сонларда)

Лейтенант Қорабоев ошхонадан муздек сув олиб чиқиб ичирди. Раққоса эса яна бир неча сония тебраниб ўтирди-да, кейин яна хунграб йиғлаб юборди.

— Анчадан берими? — деди Қорабоев гўв ҳамма нарсадан хабари бор одамдек хотиржам оҳангда.

Шу пайт қутилмаган ҳолат юз берди. Аёл худди Қорабоевнинг шу гапларини қутиб тургандек, бирдан қўлларига ёпишиб олди.

— Йўқ, бу мен эмас! Ўша! Ўша сўлоҳ мени шу нарсга ургатиб кетди. — деди шақ-шақ титраб. — Мен чекмасдим. Ишонинг! У чекарди. Шерикларим чекишарди. Улар ифлос. Бузуқ одамлар эди, лейтенант! Ҳаммаси, ҳаммаси!...

Қорабоев бунақа зорин-тазарруларни кўп қургани, кўп эшитгани учунми, аёлнинг дийдидёларига унчалик эътибор бермади, индамай утираверди.

— У эса, — майин патгилам устида тиз чўккан қўли утирган аёл эндиги худди ўз-ўзи билан галлашайтгандек давом этди. — У олиб қўтулди... Мен-

чи? Мени азобда қолдириб кетди-ку, аблаҳ!.. Уҳ, қани энди қўлимдан келсаю, гуридан чиқариб олиб, бурда-бурда қилиб ташласам!..

— Улганлар ҳақида бунақа дейиш яхши эмас, — бош чайқади Қорабоев.

— Улган? — аёлнинг чехраси бирдан узғардию, кейин лиқирлаб қулиб

фда шер бўлиб кетарди-да! Уни ҳеч ким бу йулдан қайтаролмасди. Буни режиссёрлар, операторлар билишардию, сир сақлашарди. Чунки, у улар учун пул, шон-шўҳрат манбаи бўлиб қолган эди-да!..

Лейтенант Қорабоевни уридан турганини қуриб, аёл яна унинг

Эркин УСМОНОВ

АЖАЛ ХИЁБОНИ

(саргузашт мистик қисса)

юборди. — Вой, манави гапни посмолтри!... Улган эмиш... У аллақачон олиб бўлган эди-ку! Беш йилдан бери наша чекарди, кўкнори ичарди... Ролларни-ям ичиб, чекиб ўйнади. Газета-журналларда эса уни «мард, довурак актёр, ҳар қанақа трюкларни — машинадан сакраб тушиб қолишни, юриб бораётган поездга осилишни ҳаммасини дублёрсиз ўзи бажаради. деб ёзишарди. Билишмасдики, у бу трюкларни кайф қилгандагина бажарарди. Кай-

оёқларига ёпишди.

— Илтимос, бирон нима десангизчи, лейтенант? — ёлворди у. — Мен нима қилай? Агар ердам бермасангиз узини деразадан ташлайман ё ана шу ҳаром уйга ўт қўйиб юбораман! Тупураман ҳаммасига!.. Менга унвону нишонлар ҳам керакмас, лейтенант! Айтинг, менга соғлигимни, ёшлигимни қайтариб беришинг! Бу худо қаргаган уй. Бу уй фохишхона, бу ерда наша чекиларди, гивандликни уяси бу!..

Аёл шу ерга келганда Қорабоев бирдан хушёр тортиб ва қизиксиниб аёлга

қаради. Аёл ҳам бунини сезди шекилли, унинг қўзларига маънодор назар ташлади ва аччиқ жилмайди.

Ҳа, бунини ҳамма биларди, — деди секин. — Билардию, миқ эмасди. Ким билсин, балки машҳур актёр билан кетворган раққосани авайлашгандир-а, лейтенант? Гапирсангиз-чи! Мана мен барча қарталарни очиб ташладим. Сиз нима дейсиз ё бошингизни қотириб утирмай шартта турмага тикиб қўяоласизми?

Боядан бери тилига тушов тушгандек гаранг ўтирган Қорабоев бошини қутариб аёлга қаради.

— Нега энди албатта қамалишим керак деб ўйлаясиз?

Аёл нозик елкаларини ўчириб қўйди.

— Ким билади? Милицияда мендақаларни қамашади-ку?

— Ҳаммади эмас, — деди Қорабоев унга синончан тикилиб. — Агар мен сизга ердам берсам-чи?

— Ердам? — чиройли қўзларини пирпиратди аёл ва бирдан хонада унинг яна телбаворий кулгуси янгради. — Менга қанақа ердам беришингиз мумкин, лейтенант? Энди менга фақат гўрков ердам бериши мумкин холос. Тушунаясизми, гўрков!..

(Давоми бор)

Оила ва жамият

Муассисларимиз:
Ўзбекистон Республикаси
Хотин-қизлар қўмитаси,
Болалар жамғармаси ва
«Соғлом авлод учун» Халқаро
хайрия жамғармаси

Шioriимиз:
Оила - жамият фахри

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темура кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Тўрон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00.
Босишга топширилди - 19.30.

Ҳомий «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

Обуна индекси - яққа обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0424
21317 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нархда.
Навбатчи Басира Саййид АЛИ